2007 YIL 19 OKTYABR, JUMA 126 (7275) - сон

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


**ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКМАНИСТОН:**

## Ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни давлат ташрифи билан Туркманистонга келди**

Давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президентининг Ашхободдаги саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар – Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг яккама-якка суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч ва ҳурмат асосидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Ашхобод саммити Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатиши қайд этилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада (1996 йил), Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномада (2004 йил) икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, халқаро интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз дунёнинг аксарият давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Туркманистон ҳам ташқи дунё билан турли соҳаларда ҳамкорлик учун очиқдир.

Президентлар ёқилғи-энергетика соҳаси Ўзбекистон ва Туркманистон учун янги имкониятлар очаётганини таъкидладилар. Мамлакатларимизда энергия манбаларининг йирик конлари бор. Дунёда нефть ва газга талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда бундай омил ҳамкорликдаги лойиҳалар учун яхши асос бўлиши табиий. Хусусан, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон, Туркманистон, Россия ва Қозоғистон ўртасида Каспий бўйлаб янги газ қувури барпо этиш ва Марказий Осиёдан Россияга нефть-газ узатиладиган мавжуд қувурни реконструкция қилиш борасида эришилган келишув муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Зеро, мазкур мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган ишончли шериклардир. Бундай шароитдаги ҳамкорлик уларга нафақат молиявий-иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам келтириши шубҳасиздир.

Каспийбўйи қувури Марказий Осиёдан Россияга узатиладиган газ ҳажмини қарийб икки баробар ошириш имконини беради. Одатда қувур ётқизиш ишлари йирик сармоявий ҳамкорликни назарда тутади. Мутахассислар бу ҳамкорлик негизида қувур ўтган жойларда инфратузилмани, сайёҳлик ва экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ўтадиган Туркманистон-Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлайди. Бу мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш баробарида Ўзбекистон газининг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Ислом Каримов Ашхобод саммити мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги кенгайиб бораётганидан яна бир далолат эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳаммедов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркманистоннинг энг ҳурматли ва энг фахрли меҳмони деб билишини, томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қарашлари, кўрилган халқаро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқинлигини қайд этди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётнинг қатор соҳалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, кимё ва металлургия саноати, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш, сайёҳлик каби йўналишлардаги ҳамкорлик устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида транзит юк ташишда ўзаро хизмат кўрсатишда амалий ҳамкорлик қарор топган. Мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннани ташкил қилади.

Аммо савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасидаги имкониятлар тўлиқ ишга солиняпти, деб бўлмайди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони икки томонни ҳам қониқтирмайди. Ваҳоланки, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама соликдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташиш алоқаси тўғрисида ҳужжатлар имзоланган. Умуман, иқтисодий ҳамкорликка оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифаларни топширишга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркманистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлик ришталари билан мустаҳкам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқулининг ҳайкали очилгани икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2004 йилда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган объектларда хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Мамлакатларимиз илм-фан ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик борасида ҳам ўзаро келишувларга эришган.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномани, Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотини имзоладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ташқи ишлар вазирликлари ўртасида Давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Туркманистон Маданият ва телерадиоэшиттириш вазирлиги ўртасида 2010 йилгача мўлжалланган ҳукуматлараро маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Божхона қўмиталари ўртасида ахборот алмашувини ташкил этиш тўғрисидаги идоралараро протокол имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳаммедов музокаралар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, бугун эришилган келишувлар келгусида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Музокараларда ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга келишиб олдик, — деди Ислом Каримов. — Имкониятларимиз таҳлили ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш ва қўшма корхоналарни кўпайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам улкан салоҳиятга эга эканлигини кўрсатди.

— Биз ўзаро муносабатларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркманистоннинг яқин дўсти деб биламиз, — деди Гурбангули Бердимуҳаммедов. — Бугун имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг кўламини кенгайтириб, унинг ривожига янги суръат бахш этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан «Руҳият» саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу ерга Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Гурбангули Бердимуҳаммедов Туркманистон-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш, икки мамлакат халқларининг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун Ислом Каримов «Ҳурматли эл ёшуллиси» унвони билан тақдирлангани ни эълон қилди ва мамлакатимиз раҳбарига уни тантанали равишда топширди.

Маросимда ўзбек ва туркман санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

*Ашхобод*

Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

***Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожи устувор аҳамият касб этди. Хусусий мулк конститутциявий асосда ишончли кафолатга эга бўлди.***

## Мулк шакли ўзгаргач

### минглаб фермерлар бой-бадавлат бўлдилар

***Бугунга келиб Сирдарёнинг шаҳару қишлоқларининг қиёфаси тамоман ўзгариб кетганлигини барча эътироф этади. Ростдан ҳам мустақиллик шарофати билан бу ерда янгидан янги ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва бошқа кўплаб кўркам бинолар қад кўтарди. Гулистонга аввалари ҳам ташриф буюрган меҳмон бугун чўл бағрида қад кўтарган номига монанд шаҳарни танимай қолиши тайин. Айниқса, кейинги икки йил ичида бу ерда катта қурилиш-ободончилик ишлари амалга оширилди. Шаҳарнинг ирригация-коммуникация тармоқлари қайта реконструкция қилинди, янги коллежлар, боғлар, спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари барпо этилди.***

► 2

**Сардоба туманидаги "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Асад Бердиқулов раҳбарлик қилаётган "Абдулла Қодирий" фермер хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятда етакчилардан ҳисобланади. Айни пайтда фермер хўжалиги тасарруфида 650 гектар ер бор. Жорий йилда шунинг 373 гектарига чигит қадалиб, давлатга минг тоннадан зиёд пахта сотилди.**



СУРАТДА: фермер Асад Бердиқулов.

*Истиқлол ва истиқбол*

## Нарпайликлар ғурури

### мустақиллик йилларида ушбу туман қиёфаси тубдан ўзгариб кетди

**Пай соҳилидаги обод масканлар**

Ушбу туман Зарафшон воҳасининг энг сўлим, файзли гўшаларидан бири. "Наҳри пай", яъни Пай канали қирғоқларида жойлашганлиги боис бу юрт аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Шу касбнинг чинакам усталари кўплаб етишиб чиққан. Аммо мустақилликдан олдин бу ерда тўласинча пахта экилиб, бошқа соҳаларга етарли эътибор бўлмаган. Шу боис, истиқлолдан кейин Нарпайнинг ҳар томонлама жадал ривожланиш даври бошланди. Ўтган ўн олти йил мобайнида Республикамиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ислоҳотлар нарпайликлар ҳаётини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Истиқлол йилларида Нарпайда амалга оширилган қурилиш бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етиш қийин. Мана улардан айримлари. 2004 йилда туманда қарийб 100 миллион сўм маблағ сарфланиб, янги стадион қуриб, фойдаланишга топширилди. Оқтош коммунал-қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежлари 2 миллиард сўм маблағ сарфланиб, тубдан қайта таъмирланди. 2005 йилда 900 ўқувчига мўлжалланган Мирбозор қишлоқ хўжалиги коллежи биноси, 2007 йилда "Ҳақиқат" хўжалиги ҳудудида 540 ўринли ижтимоий-педагогик коллеж биноси қуриб битказилди. Бундан ташқари, тумандаги 16 та мактаб қайта қурилди. Кейинги уч йилда аҳоли тиғиз яшайдиган жойларда 12 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, уларнинг сони жами 25 тага етказилди. Шунингдек, 56 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 16 тасига янги бинолар қуриб берилди. Оқтош, Бахт шаҳарчаларида янги ичимлик сув тармоқлари қурилди. Оқтош — Хўжақўрғон йўли тубдан қайта таъмирланди. Янгиработ, Қорасийроқ қишлоқларида янги газ қувурлари тортилди.

**70 центнер чегара эмас**

Бундай ғамхўрликлар туфайли туман меҳнаткашлари аъло кайфият ва ғайрат билан меҳнат қилиб, иқтисодий кўрсаткичлар узлуксиз яхшиланишига эришмоқдалар. Ўтган йиллар мобайнида туманда халқ хўжалигининг барча тармоқлари мутаносиб равишда равнақ топди.

Биргина қишлоқ хўжалигида юз берган ўзгаришларнинг ўзи чинакам ҳайратланарлидир. Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсатини амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишга бел боғлаган нарпайликлар воҳада азалдан мавжуд бўлган юқори ҳосил олиш тажрибаларини кунт билан қайта тикладилар. Заҳматли меҳнат, тажриба ва маҳорат уйғунлаштирилгани туфайли ҳосилдорлик йил сайин ошиб борди. Айниқса, кейинги тўрт йилда ушбу соҳада катта сакрашга эришилди. Чунончи, 2006 йилда ҳар гектар ердан олинган дон 52 центнерни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 54,7 центнерга етди. Мўлжалдаги 24 минг ўрнига 29 минг тонна юқори сифатли дон топширилиб, шартнома режаси 110 фоиз уддаланди. "Оқ олтин", "Пахтакор", "Сурайё", "Зуҳраой" сингари фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 70 центнерга етди.

Нарпайликлар пахта тайёрлаш бобида ҳам вилоятда доимо пешқадамлар сафида бўлиб келишади. Бу йил ҳам давлатга 32 минг тонна "оқ олтин" сотиб, шартнома режасини муддатидан анча барвақт адо этишди. Бунинг эса алоҳида аҳамияти бор. Вақтли йиғиштирилган ҳосил сифати баланд бўлиб, юқори навларга сотилади. Олинадиган иқтисодий даромад ҳам шунга яраша бўлади. Шу маънода тумандаги "Ғофур бобо", "Пахтакор", "Янги ер", "Мустақиллик", "Сало бобо", Баҳром Содиқов, Розия Маҳмудова номли фермер хўжаликлари шартнома режаларини 130 фоизга етказиб бажарганликларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Етиштирилган ҳосилнинг барчасини олий навларга топшириб, пахтачиликдан юксак даромад олишмоқда. Сирасини айтганда, тумандаги 1300 та фермер хўжалигидан 830 таси пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланиб, кам бўлаётгани йўқ. Деҳқон рўзғорини обод қилиш билан бирга туман, вилоят, қолаверса мамлакат иқтисоди тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Қурилиш, ободончилик, хайр-саховат тадбирларининг бошида турибди. Чорвачилик, боғдорчилик, тутчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланаётган фермерларларнинг эл-юрт фаровонлигида муносиб ўринлари бор.

Шунинг натижасида туман нафақат пахта ва ғалла, балки пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларга эришиб келмоқда.

**Кунига 500 тонна маҳсулот**

Туманда маҳаллий хом ашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаш мақсадида замонавий қўшма корхоналар очиш, қишлоққа саноатни олиб киришга устувор масала деб қаралмоқда. "Оқтош мева" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси бир кеча-кундузда 500 тонна сабзавот ҳамда мевани қайта ишлайди. Шунингдек, Зирабулоқ тажриба заводи, "Оқтошдон" ва бошқа қатор корхоналар изчил фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасизки, туман ижтимоий ҳаётида ўз самарасини намоён этмоқда.

— Нарпайликлар Республикамиз Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бундан кейин ҳам изчиллик ва қатъият билан давом эттирилишини исташади. Ҳаётимиз бундан ҳам обод, бундан ҳам фаровон бўлиши учун аҳиллик ҳамда ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишади, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Акбар Жалилов. — Чунки тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва фидокорона меҳнат бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ўсиш, ривожланиш бор экан, рўзғор бут, дастурхон файзли, кайфият аъло бўлади.

Ҳа, чиндан ҳам туман аҳлининг бугун кайфияти аъло.

Бугун йўлингиз тушиб, Нарпайга борсангиз, қўша-қўша тўйлар устидан чиқасиз. Туманнинг заҳматкаш ва фидойи одамлари Истиқлолнинг нақадар буюк неъмат эканлиги ҳақида ўз турмушлари мисолида ғурур ва ифтихор билан сўзлайдилар.

**Жўшқин ДОВУРОВ**

*Самарқанд вилояти*

*Анжуман*

***Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО)нинг асосий мақсади халқаро товар алмашинувини енгиллаштириш ҳамда интелектуал, илмий, техникавий, иқтисодий фаолият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш учун жаҳон миқёсида стандартлаштиришнинг ривожланишига кўмаклашишдан иборатдир.***

## Стандартлар жамиятга хизмат қилади

Ташкилот жорий йилни "Фуқаро ва стандартлар. Стандартларнинг жамиятга қўшаётган ҳиссаси" йили деб эълон қилган. Дарҳақиқат, илмий-техник тараққиёт, саноатда ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши, истеъмолчига қизиқтирган маҳсулотини қиёслаб, таҳлил қилиб харид қилиш имкониятини яратади. Шу маънода бу шиор бугунги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланади. Буларни таъминловчи усул эса халқаро стандартлардир. Негаки, фақатгина фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан таъминланган халқаро стандартларгина халқаро бозорга тушаётган товарларнинг ҳаёт учун хавфсиз ва сифатли бўлишига кафолат бера олади. Шу боис маҳсулотга, кўрсатиладиган хизматларга қўйиладиган асосий талаблар инсон ҳаёти ва соғлигига, атроф-муҳитга зарар келтирмаслиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1994 йилдан буён аъзо. Айтиш жоизки, Республикамизнинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши ҳамда унинг жаҳон жамияти билан ҳамкорлик фаолияти стандартлаштиришга бўлган эътиборини тубдан ўзгартирди. Хусусан, сўнгги уч йилда стандартлаштириш, метрология, маҳсулот ҳамда хизматларни сертификатлаштиришни такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро меъёр ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, сифат тизимини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Бу борада талайгина ишлар бажарилмоқда.

Куни кеча "Ўзстандарт" агентлигида бўлиб ўтган илмий-техникавий семинарда иштирокчилар шулар ҳақида фикр юритишди. Мамлакатимизда бу соҳада қилинаётган ишларни таҳлил қилишди.

**Д.ЎЛУҒМУРОДОВ**

